



ЖАВОҲИР



Қолрон Мирзо

ДЕВОН

Тошкент

"Ёзувчи" нашриети

Нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасан

Масъул муҳаррир: Алибек Рустам

К $\frac{4702620102 - 18}{М 362(04)}$ — 1993

ISBN 5-8255-0122-3

© Нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасан,
«Езувчи» нашриёти, 1993 й.

МИРЗО КОМРОН ДЕВОНИ

Мирзо Комрон шеърӣ девонларининг ҳозирча учта нусхаси топилган бўлиб, улардан бири Патна шаҳридаги «Худобахш» кутубхонасида¹, иккинчиси Калькутта Осие жамияти қўлэмалар фондида² ва учинчиси Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида³ сақланиб келмоқда. Бу нусхалар Мирзо Комроннинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги ижоди ҳақида бизга тўла маълумот бера олади.

Текстологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ризо, Худобахш қўлэма нусхаларининг ҳар бири ўзига хос оригинал нусхалар бўлиб, шонринг дастлабки муаллиф текстини тиклашда бир-бирларини тўлдирувчи қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Калькутта нусхаси эса Худобахш кутубхонасидаги нусхадан кўчирилган. Бу ҳақда қўлэманинг колофонида ҳам маълумот берилади.

Биз аввало қўлэма билан юзаки танишиш жараёнида Калькутта нусхасининг илмий қийматга эга эканлигига шубҳа билан қараган эдик. Чунки бу нусха Худобахш нусхасидан айнан кўчирилган бўлиб, ундаги деярли барча камчиликлар такрорланган. Лекин қўлэма билан яқиндан танишиш Калькутта нусхасининг ҳам илмий аҳамияти беқиёс эканини кўрсатади. Калькутта нусхасидаги камчиликлар номаълум бир киши томонидан таҳрир қилинган экан. Бу эса Худо-

¹ Инв. 470. Бу нусханинг микрофильми Ҳамид Сулаймонов томонидан 1978 йилда келтирилган. Бу нусхани изоҳда шартли равишда Х нусха деб атадик.

² Инв. 668. Бу нусханинг микрофильми биз 1983 йил Ҳиндистонга қилинган илмий сафар натижасида Калькуттада Уни шартли равишда К нусха деб атадик.

³ Инв. 556. Бу нусханинг микрофильми ҳам Ҳамид Сулаймонов томонидан 1978 йилда келтирилган. Бу нусхани изоҳда шартли равишда Р нусха деб атадик.

бахш ва Ризо нусхалари текстларидаги фарқларга аниқлик киритиш ва баъзи шеърларни тиклаб тўлдириш имкониятини яратди. Шу туфайли биз мазкур икки қўлёзма қатори бу нусхага ҳам илмий қийматга молик нусха сифатида ёндошдик. Уз навбатида Калкутта нусхасидаги таҳрир бизда Мирзо Комрон девонининг яна бошқа бир бизга номаълум бўлган нусхаси ҳам бор деган тахминни уйғотди.

Хуллас юқоридаги нусхалар Мирзо Комрон девонининг ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу текстни тузишда асос қилиб олинди. Энди шу нусхаларнинг ҳар бири тўғрисида қисқача тўхтаб ўтайлик.

1. ХУДОБАХШ КУТУБХОНАСИ НУСХАСИ

Қўлёзма 1556 милодий йили Маҳмуд Ибн Исҳоқ Шаҳобий Ҳиравий томонидан кўчирилган. Бу девонга Мирзо Комроннинг ўзбек, форс-тожик тиллардаги шеърлари киритилган. Қўлёзма 36 варақдан иборат бўлиб унга 1500 га яқин турли жанрлардаги шеърлар кирган: ўзбек тилида 47 та ғазал, 2 маснавий, 1 таркиббанд, 28 рубоий, 1 тўртлик, 3 қитъа, 21 фард; форс-тожик тилида 24 ғазал, 8 рубоий, 23 фард, 2 қитъа, 1 маснавий.

Девоннинг тарихий аҳамияти яна шундаки, қўлёзманинг боши ва охирида Бобурийлар хонадонига мансуб 20 дан ортиқ Ҳиндистон давлат арбобларининг муҳрлари босилган. Улар орасида Нуриддин Жаҳонгиршоҳ [1605—1627], Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳ Жаҳон [1627—1658], Муҳиддин Муҳаммад Оламгир [1658—1707], Шоҳ Олам Баҳодиршоҳ [1707—1712] муҳрлари аниқ кўзга ташланиб туради. Ундан ҳам муҳими шундаки, бу мўътабар нусхада ана шу хонадон вакиллариининг автографлари ҳам келтирилади. Масалан, машҳур Акбаршоҳнинг ўгли Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ ўз дастхатида қуйидагиларни ёзган: «Девони Мирзо Комронки, амми педари бузургвори манаст ба хатти Маҳмуд Исҳоқ Шаҳобий, Ҳаррараҳу Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгиршоҳ санаи 20 жулус, мувофиқи санаи 1035 ҳижрий».

Таржимаси: Маҳмуд Исҳоқ Шаҳобий қўли билан кўчирилган улўғвор отамнинг амакиси бўлмиш Мирзо Комроннинг девони ушбуни Нуриддин Муҳаммад Жа-

ҳонгиршоҳ ўз салтанатининг 20 йилида, яъни 1035 ҳижрийда ёзди.

Бу автограф муҳр билан тасдиқланган бўлиб унинг атрофида эса бобурийлар хонадонининг бошқа вакилларига онд қатор дастхатлар саҳифанинг юқоридан тортиб то-пойгиригача гир айлана шаклида турли даврларда ёзилиб чиқилган. Демак, бу нусха бобурийлар кутубхонасига мансуб бўлган мўътабар нусха бўлиши билан бирга, ўз навбатида, Мирзо Комрон асарларининг матнини тузишда ва унинг ижоди юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар учун энг ишончли нусха сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир. Қўлёзма яхши сақланган. У майда, чиройли настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, ҳар бир бет 12 сатрдан иборат. Девон гўзал унвон билан бошланади. Ҳар бир шеър янги сатрдан алоҳида қилиб ажратиб ёзилган. Девон унвонининг ёнидан инглиз тилида ёзилган икки шахснинг қайди бор. Бири 1911 йил, 10 декабрь; иккинчиси 1921 йил, 23 декабрь. Қўлёзманинг Худобахш кутубхонасига мансублиги ҳақида икки жойда муҳр босилган. Муҳр ичида 1891 йил кўрсатилган. Қўлёзма хотима билан тугайди.

2. РИЗО КҮТУБХОНАСИ НУСХАСИ

Бу нусха ҳам мўътабар нусхалардан бири бўлиб, бобурийлар кутубхонасига мансуб нусхадир. Қўлёзманинг сўнги бетида буни тасдиқловчи муҳрлар ва қайдлар мавжуд. Муҳрларнинг бирида «Подшоҳи ғозий Муҳаммадшоҳ Музаффархон» сўзларини ўқиш мумкин. Қўлёзма 31 варақдан иборат бўлиб, майда, чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Ҳар бир саҳифага 15 сатр жойлаштирилган. Саҳифалар бирдан олтмиш иккигача рақамланган. Ризо кутубхонасининг муҳрлари 10, 24, 54, 62 рақамли саҳифаларга босилган. 9, 26 саҳифаларининг ҳошияларида шеърлар ёзилган. 21 ва 51 саҳифаларнинг ҳошияларида шу ўриндаги шеърларга монанд равишда минатюралар ишлангани лозим деган қайдлар бор.

Қўлёзманинг котиби ва кўчирилган тарихи кўрсатилмаган. Лекин текстологик белгиларга кўра уни XVI асрнинг иккинчи ярмига мансуб десак бўлади. Девон ўз ичига ўзбек тилида 47 ғазал, 2 маснавий, 1 таркибанд, 29 рубоий, 1 тўртлик, 3 қитъа, 21 фардни; форс-

тожик тилида 25 ғазал, 8 рубой, 23 фард, 2 қитъа, 1 маснавийни қамраб олган. Бу нусхада 1 форс-тожикча «Нест» радифли ғазал [9 саҳифанинг ҳошиясида], 1 ўзбекча рубой [26 саҳифанинг ҳошиясида] ортиқча. Бу нусхада хотима йўқ. Қўлёзманинг ҳошияларида сув доғлари учраб туради. Шунга қарамай қўлёзма яхши сақланган, унинг тексти равшан ва ўқилиши яхши. Ҳар учала нусха анъанавий девон шаклига келтирилган.

3. ОСИЁ ЖАМИЯТИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИ НУСХАСИ

Бу нусха Худобахш кутубхонасида сақланаётган Исҳоқ ибн Шаҳобий Ҳиравий томонидан кўчирилган қўлёзмадан китобат қилинган нусха бўлиб чупуриналик Фазлу-л-Борий котиб Лобарий томонидан Калькуттада кўчирилган. Девон равшан йирик настълиқ хатида хушхат қилиб ёзилган. Сақланиши яхши. Қўлёзма формати 20×32 см. Текст икки устун қилиб ёзилган. Девоннинг кўчирилган йили кўрсатилмаган. Тексто-логик белгиларга кўра XIX асрга мансуб. Муқоваси замонавий, қоғози оқ. Шеърлар алоҳида қилиб ажратилиб ёзилган. Қўлёзмага ғўзал зарҳал унвон ишланган, саҳифалар ҳам безатилиб борилади. Муқовада гулли доирага «Девони Мирзо Қомрон» деб чиройли қилиб ёзилган. Текст ораларида ва ҳошияларида шеърлар тузатиб борилган. Бу тузатишлар бошқа киши қаламига мансуб. Саҳифалар пагинация қилинмаган. Лекин шеърлар 1 дан 142 гача рақамланган, маснавий ва таркиббанд рақамланмаган. Шеърлар тартиби Худобахш нусхада қандай бўлса, бу нусхада айнан шу тартибда. Ҳошияда тузатишлар жуда кўп, уларнинг айримлари инглиз тилида изоҳ қилинган. Қўлёзманинг боши ва охирига Осие жамиятининг муҳри босилган.

Мирзо Қомрон девонининг Калькутта нусхаси шоир шеърин меросининг илмий жиҳатдан ва унинг матнини тиклашда шубҳасиз катта аҳамият касб этади.

Ушбу нашрнинг илова қисмида ҳар учала нусхада учрайдиган фарқлар изоҳи, исмлар, этник, географик, жанрлар ва вазнлар кўрсаткичи берилди.

Ғазаллар

1 [5]¹

Зиҳи ҳар заррадин ҳуснунг ҳувайдо,
Жамолинг офтоби оламаро.
Агар зоҳир, агар ботинда сенсен,
Кўзу кўнглум аро пинҳону пайдо.
Агар юмсам кўз, ар ҳар сори очсам,
Сенинг ҳуснунгни айлармен тамошо.
Гаҳи ошиқ, гаҳи маъшуқ этарсен,
Бўлуб ҳар суврат ичра ошкоро.
Эрур Лайло била Ширин баҳона,
Жаҳонда сен солибсен шўру ғавго.
Қилурмен навҳалар Мажнун ғамидин,
Қачонким хотиримга² келса Лайло,
Етишти Комрон ул турки сармаст,
Хирад мулкин қилур яғмо ҳамоно.

2 [6]

Ёрдин келди хату таъвизи жон бўлди манга,
Қотили ҳажр илгидин хатти амон бўлди манга.
Ваҳ, бу не мактубдурким, номаи аъмолдек
Етгач илгимга саодатқа нишон бўлди манга.
Меҳрибон соғинғаним жавру жафо расмин тутуб,
Меҳр таркин қилдию номеҳрибон бўлди манга.
Доимо ёдимдасен бордур бу маъноға гувоҳ
Улки доим воқифи сирри ниҳон бўлди манга.
Гулъузоро, зикру фикрингдин³ даме холи эман,
То ватан булбул киби⁴ бу гулистон бўлди манга.
Эшигинда⁵ юз кетурсам Комрондек айб эмас⁶,
Қаъбайи мақсуд чун ул остон бўлди манга.

3 [8]

Ул қуёш оразидин парда олиб,
Шўълаи хошок вужудумга⁷ солиб.
Барча сувратда қилиб жилвайи ҳусн,
Ҳусни юз ваҷҳ ила кўнглумни олиб.⁸

Ҳар либос ичра урар ишқ йўлин⁹,
Гоҳ Ширин, гаҳе Лайло аталиб.¹⁰
Қиличи чок қилиб кўнглумни,
Қирпигидин¹¹ яна ўқлар қадалиб.
Ҳодиса тошларидин шиша киби,
Бу қўҳан дайрда кўнглум ушалиб.
Эмди мен азми харобот этсам,
Борурам кўйида кўнглумни солиб,
Комрон эшигидин боргумдур,
Дарбадар кўнглум эшигида қолиб.

4 [9]

Ушбу тун кўнглумда ёру кўзум эрди масти хоб,
Ким етишти қойилим юз ноз ила айлаб итоб.
Хаста кўнглум музтарибдур зулфи тобиға¹² тушуб¹³,
Шаст аро тушқан балиғ¹⁴ янглиғки айлар изтироб.
Хоки раҳ бўлдум, гузар гар қилмаса, эрмас ажаб,
Мен гадойи бенаво, ул хусрави олийжаноб.
Қимки жонон чеҳрасида ишқ сиррин билмагай,¹⁵
Не ажаб, андин деса «ё лайтани¹⁶ кунту туроб»,
Комрон, жонон таманноси¹⁷ мени пир айлади,
Эй дарифо, онсиз ўтти аҳди айёми шабоб.

5 [10]

Ишқ аро девона бўлсам, не ажаб,
Ақлдин бегона бўлсам, не ажаб,
Холи ўлмиш хилватим ағёрдин,
Ёр ила ҳамхона¹⁸ бўлсам, не ажаб.
Ёрутур кулбамни¹⁹ ул шамъи жамол,
Бошиға парвона бўлсам, не ажаб.
Зоҳир ўлди кўйида расволиғим,
Шаҳр аро афсона бўлсам, не ажаб.
Ул паривашқа²⁰ бўлубмен, ошно,
Комрон, девона бўлсам, не ажаб.

6 [11]

Барқдек анвори хуснунг кўзларимга чақилиб,
Кўздин оқиздинг²¹ кўнгулни қатра-қатра қон қилиб.
Шамъи хуснунгни кўруб билдимки, оламсўздур,
Солдим ўзни шуълаға парвонадек кўруб билиб.²²

Жон била кўнглумдин айрилдим санга еткан замон,
Эмди, эй жону жаҳон, сендин бўлурму айрилиб²³.
Жон етибтур оғзима, бўлғайму, эй исонафас,
Бир нафас оллимда ўлтурсанг иёдатқа келиб.

7 [12]

Хўб эрди манга бўлса эди ёр мусоҳиб,
Ё бўлмаса эрди анга ағёр мусоҳиб.
Бемор мену бор кўзи ёди кўнгул ичра,
Беморга ўл навъки бемор мусоҳиб.
Ҳар неча қочай деб қилибон қасд қутулмай,
Бўлдум гаму меҳнат била ночор мусоҳиб.

8 [13]

Утти ҳижрон кечаси ранжида умрум, ё раб,
Еткуруб васл кунин айла тараҳҳум, ё раб.
Тийра ҳижрон кечаси ҳеч ёруғ бўлғайму,
Гар қуёш бўлса бу тун ичра ҳар анжум²⁴, ё раб,
Оғзидин нукта эшитмакни ҳавас айлармен,
Ҳеч қилғайму менинг бирла²⁵ такаллум, ё раб.

9 [14]

Етишти қосиди жонон манга дами сакарот,
Бу чин эмишки²⁶, тирик жонга бор умиди нажот.
Лабинг такаллум этиб жон берур таолаллоҳ,
Зиҳи такаллуми ширин санга, зиҳи калимот.
Итинг шуморида эткил ҳисоб қаҳф итидек²⁷,
Кишики меҳру вафо шеvasида қилди сабот²⁸.
Кўнгул қуши тилабон сени талпинур, не осир
Ки, ашк жоласидин синди анга²⁹ болу ажабе,
Ғариқи баҳри сиришк ўлмишам эмас ажабе³⁰,
Бу мавж ичра агар йўқтурур умиди нажот.
Чу Комрон санга қулдур йиратма ўзингдин,
Ки ҳажр аро анга имкон эмас³¹ қарору сабот.

10 [19]

То қаро туфроққа қилдим мен бу дайр ичра нишаст,
Маснади жам қадрини билмиш менинг ер бирла паст.

Ҳар замону ул туррани юзга паришон этмаким,
Тушмасин олам аро ул зулфи пурхамдин шикаст.
Дамбадам сайли сиришкимким, келур беихтиёр,
Қилди умрумнинг уйи ул сайл сарридин³² нишаст.
Комрон андин нетиб жон элта олғайменки, ёр³³
Кўзлари қотил, сўзи муҳлик, ўзи бебоку маст.

11 [20]

Қадингдиндур хижил боғ ичра шамшод,
Бериб қуллуқ хатини сарви озод.
Лабинг жонбахшу³⁴ асру турфадур бу,
Ики кофир кўзунг қаттолу жаллод.
Таололло зиҳий ҳусни латофат,
Парисен, ё малак, ё одабийзод.
Сенинг ёдинг била ҳижрон ғамидин,
Бор эрдим даҳр ичинда шоду ношод.
Ҳаётим ҳосилин барбод берди,
Фироқинг илгидин³⁵ афғону фарёд.
Дариғо, Комрон навмид, ўлдунг,
Бериб жону жаҳон нақдини барбод.

12 [28]

Қилиб чеҳрангда важҳуллони манзур,
Аён бўлди манга нурун ало нур,
Юзунг кўзгусида тенгрини кўргил,
Кўруб кўзгуда ўзни бўлма мағрур.
Агар меҳроб аро вар бут қошинда,
Бори ҳолатта сенсен бизга манзур.
Сикандар бирлар қа [й] сар³⁶ чокарингдур,
Қулунгдур, гар эрур ҳоқону фағфур.
Отиб ғамза ўқини кўнглумни овла,
Бериб бир бўса бизни айла масрур.
Қаёнким азм этар, бўлсун музаффар
Абулғозий Ҳумоюн шоҳи мансур.

13 [29]

Нотавонеким, нигори ҳамдами ағёр эрур,
Чора қилмоқ бу қатиқ ҳолатқа³⁷ бас дунвор эрур.
Сарвини солди оёқтин³⁸ қоматинг³⁹ рафтор ила

Аҳмадуллоҳ⁴⁰, не қиёмат қомату рафтор эрур.
Ҳар тараф қилсам гузар кўнглумда ул⁴¹ рафтордур⁴²,
Ҳар сори солсам⁴³ назар манзур ўшал рухсор эрур.
Айлаган мендек бәсе зоҳидни кофир ишқ аро,
Ҳалқайи зулфи демангким, риштайи зуннор эрур.
Юз мусулмон қонини тўкти кўзунгнинг ғамзаси,
Оллоҳ-оллоҳ не ажойиб кофири хунхор эрур.
Шаҳки, чекмиш шавкат истаб соябони зарнигор,
Соябон эрмаским, ул бир пардаи пиндор эрур.
То кўрубмен Комрон пири муғондин илтифот,
Дайр кўйида мақомим кулбайи ҳаммор эрур.

14 [30]

Итинг то манга ёру ҳамдам бўлубтур,
Жаҳон аҳлидин улфатим кам бўлубтур.
Тишингму лабингдин намудор ўлубтур
Ки, гул ғунчаси ғарқи шабнам бўлубтур.
Кўнгул узмагим сочидин мумкин эмас
Ки, жон риштаси анда муҳкам бўлубтур.
Икки зулфу хатту юзини кўрунгким⁴⁴,
Ажаб дилкану сабзу хуррам бўлубтур.

15 [31]

Ул шўх гар боштин оёғи кони⁴⁵ намактур,
Бу қатла ишим фурқатидин ўзгачарактур.
Девона бўлур аҳли хирад, жилвагар ўлса
Ул шаклу шамойил билаким ҳуру малактур.
Қуллоби муҳаббатму экин хаста кўнгулга
Ё бошида санчилган анинг эгри кажактур.
Ўзлук юкуни ташламағунча ета олманг⁴⁶,
То суръат ила гардишида чархи фалактур.
Ҳушвақт ўшал риндки дайр ичинда мендек
Эгнидаги хилъат анга эски капанактур.

16 [32]

Сендин айру тушкали кўнглум асири ғамдурур,
Жонима ҳижрон ғамидин юз туман мотамдурур⁴⁷.
Васлинг ўлса найлайин наврўзу⁴⁸ байрамким, манга
Ҳар замон наврўздур, ҳар лаҳзае байрамдурур⁴⁹.
Оламу олам эли душман эса, сен ёр⁵⁰ эсанг.

Олам аҳли бирла оламдин манга не ғамдурур.
Сендин айру не осиг эмди рафиқу ёрдин,
Фикринг ўлмиш маҳрагим, зикринг манга ҳамдам
дурур⁵¹.

Гунча янглиғ лаълидин гоҳе кўнгулдурур ғарқи хун,
Гаҳ паришон зулфи янглиғ хотирим дарҳамдурур.
Улки ўзи жондуру ширин лаби оби ҳаёт,
Ҳеч билманким малактур ё бани одамдурур.
Комрон дедимки олам ичра йўқ расми вафо,
Яна айтурменки шояд бор экан оламдурур.

17 [33]

Сенсизин сабру қарорим йўқтур,
Сендин ўзга яна ёрим йўқтур.
Зулфу юзини кўрай деб туну кун,
Ваҳки, ҳар лаҳза қарорим йўқтур.
Сарв ила лолани найлай менким,
Сарвқад лолаузорим йўқтур.
Тийрадур кўзума олам гўё,
Йўлидин⁵² кўзда ғуборим йўқтур.
Комрон борғали ул лолазор,
Умр боғинда баҳорим йўқтур.

18 [34]

Назарда сенму менинг, хоб ё хаёлдурур,
Висол агар десам андишайи муҳолдурур.
Не айшларки тахайюл аро кўнгул қилмас,
Магарки подшоҳи олам хаёлдурур.
Ул асру саркашу мен ҳам санавбар қаддидин,⁵³
Кўнгулни ҳеч узолман ғариб ҳолдурур.
Чиқиб улус аросидин канора тутайин
Ки, кўнглум ичра улусдин баче малолдурур.
Магарки беллигу оғзинг ҳадисин айтурлар
Ки, хурдадонлар аро асру⁵¹ қийлу қолдурур.
Сариғ юзумга қизил ашқдинки хат ёздим,
Баҳори умр хазон бўлганига долдурур.
Юзунгда шоҳиди маънони жилвагар кўрдум,
Ажаб эмас десам ул меҳри безаволдурур.

Камол шеъру суханварлиғимға тутти қулоқ,
Хўжанд мулкидаким соҳиб камолдурур.
Гаҳеки холу хатин Комрон анинг кўрса,
Кўнгулни бой берур, кўзларини олдурур.

19 [35]

Фуруғу чеҳранг эрур субҳдек жаҳонафруз,
Тулуъи ҳуснунг эрур офтоби оламсўз.
Жамол кўзгусини⁵⁵ матлаъи зуҳур қилиб,
Жаҳон мазоҳирини айладинг жаҳонафруз.
Румузи ишқ билибмен юзин назора қилиб,
Биравки ошиқ эмас ул не⁵⁶ билсун ушбу румуз.
Юзин жаҳондин ўгургай, сенинг сари қилгай
Кишики, анга мадад қилса толиъи феруз.
Тика қиё боқишидин кўнгулни чок қилиб,
Ҳабиб ғамзасидин, ваҳки, новаки дилдўз.
Юзи гулиға анинг Комрон эрур булбул,
Не гулшан ичраким ул гулни [кўрса]⁵⁷ чеҳрафруз.

20 [36]

Олди кўнглумни очиб сочини ул раъно қиз,
Солди савдойи бошимға сочидин савдо қиз.
Ўт қўяр ақл ила дин хирманиға шайх ила шоб,
Чун тараб белга берур туррасин ул тарсо⁵⁸ қиз.
Улки гулнор кийиб деглайн этти коҳий,
Даҳр боғинда йўқ андоқ яна бир раъно қиз.
Ваҳки, мажнунлиғ ила шуҳрайи шаҳр этти мени,
Отин айтурда ҳижоб ўлди, дейин Лайло қиз.

21 [37]

Лолаву гул равнақи ҳусну жамолингча йўқ,
Сарву санавбар тақи тоза ниҳолингча йўқ.
Гулшан аро гар ҳазор бўлса мену⁵⁹ кунжи ғам,
Гулшану боғу баҳор манга хаёлингча йўқ.
Сарв қаддингча эмас, лола ҳаддингча эмас,
Сабза хаттингча эмас, вард жамолингча йўқ.
Эйки кўзум уйида мардумаки дийдасен,
Мардумаки дийда лек ҳиндуйи холингча йўқ.
Молу манол, эй кўнгул, ёр⁶⁰ ғаму дардидур,
Икки жаҳон ҳосили молу манолингча йўқ.

Гулни бaсе Комрон кўрдию эй гул, сени,
Обию тоби анинг чеҳрайи олингча йўқ.

22 [39]

Эй етишмай камолингa идрок,
Паст ўлуб қадринг оллида афлок.
Қоба⁶¹-қавсайндин намуна ⁶² қошинг,
Қаддингa⁶³ чувт хильати «лав лок»,
Сендин одам азиз эрур, йўқ эса,
Зоҳир эрур мақоми заррайи хок,
Ёғмаса гар шафоатинг ёғни,
Барқи исёндин ўртанур хошок.
Шукр лиллаҳки⁶⁴ оқибат ишқинг,
Ғайр нақшин кўнгулдин айлади пок⁶⁵.
Сангадур нафсу⁶⁶ девдин панаҳим,
Комрон ожизу улар бебок.

23 [40]

Оташи Мусо деган анвори рухсоринг сенинг,
Шарбати Исо эмиш⁶⁷ лаъли шакарборинг сенинг.
Эй бaсо Мусосифатларким, кўруб, ўздин бориб,
Матлаи нури тажаллий келди рухсоринг сенинг.
Қилмайин тугён, қилиб мақсадни манзури назар,
Сурмайи «мо зоғ» чекмиш чашми бедоринг сенинг.
Жаннат ул-маъвода тубий жилвасин қилмас ҳавас
Кимки, кўрди кўюнг ичра қадду рафторинг сенинг.
Эй кўнгул, ишқ ўтидуким, бордуру [р]⁶⁸ нори Халил,
Бу сабабдин ўт ичида келди гулзоринг сенинг.
Истасангким, етмасун даврондин озоре санга,
Саъй қилким, тегмасун ҳеч кимга озоринг сенинг.
Комрон саъй этки, фоний бўлғасен ўздин тамом,
Истарамким, бўлмағай оламда осоринг сенинг.

24 [41]

Эшитиб ҳуснунг сифотин бўлмишам зоринг сенинг,
Ё раб, ўлғайму муяссар бизга дийдоринг сенинг.
Эй Масиҳодам етургил муждаи васлингниким,
Ўлғали етмиш фироқинг ичра беморинг сенинг.
Кўзларим гавҳарфишон бўлди анингдекким, саҳоб,
Шаккарафшон бўлғали лаъли шакарборинг сенинг.

Гарчи кўйунгда бaсe эл ишқ лофини урар,
Борму эркин мен киби бир ошиқи зоринг сенинг.
Шавқтин парвонадек бошингдин эврулсам, не тонг,
Тийра кулбамни ёрутса шамъи рухсоринг сенинг.
Ҳар шикастеким, етар даврондин, ўлғай муртафиъ
Бир назар қилса синуқ кўнглунга дийдоринг⁶⁹ сенинг.
Комрон Ҳусрав киби шеъринг топар ҳусни қабул,
Буйла бўлса ҳусн эли васфида гуфторинг сенинг.

25 [42]

Эшигига гузаре чунки эй сабо, қилсанг,
Қошида ер ўпубон қуллуғум адо қилсанг.
Дегил хаёлинг ила хуштурур⁷⁰ фироқ ичра,
Аники меҳнати ҳижронға мубтало⁷¹ қилсанг.
Даво висолинг эрур кўнглума тараҳҳум этиб,
«Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг».⁷²
Висол муждасини еткуруб, карам айлаб,
«Вафоға ваъда қилиб, ваъдаға вафо қилсанг».⁷³
Лаби хаёлида қон боғлади кўнгул, ё раб,
Не бўлди кўнглума зулфин гириҳқушо қилсанг.
Йиғидин ўзга санга Комрон давоёе йўқ,
Фироқ ўтиға сен ҳар нечаки ёқилсанг.

26 [43]

Сендин айру ҳар замон кўнглум менинг ғамнокрак,
Қўкрагим ҳажр илгидин пироҳанимдин чокрак,
Тийғи мужгон тез этиб⁷⁴ мастона боқсанг, эй қуёш,
Ханжаринг бебоку андин кўзларинг бебокрак⁷⁵.
Бир назар бирла билиб дардим⁷⁶ мудово айладинг,
Йўқтурур⁷⁷ ҳусн аҳлида сендин киши ⁷⁸ даррокрак.
Поклар кўнгли мақомингдур магар наққоши сунъ,
Чекмади суврат бу сафҳа узра сендин покрак.
Комрон қулдур қаду рафторингаким, йўқтурур,
Қоматингдин боғ аро⁷⁹ сарви сихий чолокрак.

27 [44]

Қиёмате қўпарибдур жаҳонда рафторинг,
Кўнгулга ўт соладур, ваҳки, яна рухсоринг.
Ўлукни тиргузадур, ҳар нафас Масиҳодек,
Такаллум айласа, жоно, лаби шакарборинг.

Не ерда сокин эсанг тенгрининг паноҳида бўл,
Қаёнки азм қилурсен худо ниғаҳдоринг.
Кўзумда сувдуру кўнгумда ўтдурур⁸⁰ доим,
Кўнгул кўзум йўлидин бўлғали-гирифторинг.
Жафо тариқин унутқил, вафо тариқини тут
Ки, кўп етишти бу жони ҳазинға озоринг.
Рафиқлар қошида ҳолимни арз қилиб,
Ҳабиб фурқатидин эмди мени қутқоринг.
Жаҳонда яхши-ёмон ҳар неким бошингға келур,
Чу яхши боқсанг⁸¹ эрур хўбу зишт кирдоринг.
Талаб йўлида қадам қўйгач — ўқ бошини қўяр,
Биравки, бўлса фано кўйида талабгоринг.
Чу Комрон сени кўрса, ўзини кўрмас ҳеч,
Жамол кўзгусида жилва қилса дийдоринг.

28 [45]

Чархдин жонима бор анча малол
Ки, деман отини ҳам оғзинга ол.
Гар менингдек ойидин айру эмас,
Нега ҳам бўлди бу тун кўкта ҳилол,
Бўлди⁸² ҳижрон майидин комим талх,
Соқий, эмди манга тут жоми висол,
Соқий, чун мени⁸³ сармаст эттинг.
Тут паёпай қадаҳи молмомол.
Ҳар кишиким, деса ул майни ҳаром,
Риндлар мазҳабида қони ҳалол.
Кўрунур аҳгар уза анбардек,
Зеб учун лаълинг уза қўйған хол⁸⁴.
Комрон ул гули раъно ғамидин,
Оразим⁸⁵ бўлди сариг, ашқим ол.

29 [49]

Гулшанда сахар вақти мен эрдиму жононим,
Гулдек юзи шавқидин булбул-киби афғоним.
Эй субҳ, нафас урма даме⁸⁶, меҳр тулуъ этма
Ким, бу кеча меҳмондур ул шамъи шабистоним.
Ҳушу хирадим кетти билманки манга нетти,
Гўё бошима етти⁸⁷ сарфитнайи давроним.
Улким, қошида чиндур, торожгари диндур,
Қон тўкмаги⁸⁸ ойиндур, ваҳ онға фидо жоним.
Туркийда Навоийға етсам, не ажаб, ғозий,
Шеъримға қулоқ солса маҳбуби суҳандоним.

Ағәрға кўп вафо қилурсен,
 Жонимға бәсе жафо қилурсен,
 Уқ эл сари бехато отарсен,
 Чунки бизга етар хато қилурсен.
 Тунд ўтмаки, гарди маркабингни,
 Эл кўзига тўтиё қилурсен.
 Рафторинг ўлуб равон балоси,
 Боло била юз бало қилурсен.
 Жон риштасиға солиб гириҳлар,
 Зулфунгни гириҳкушо қилурсен.
 Ройинга қазо мувофиқ ўлсун,
 Ҳар навъки, муддао қилурсен.
 Ҳусн ойинасида жилва айлаб,
 Миръоти худонамо қилурсен.
 Ҳусн аҳлиға сен сафо бағишлаб,
 Ишқ аҳлини мубтало қилурсен.
 Эл сонига Комрон кирарсен,
 Гар итлари ичра жо қилурсен.
 Ул ҳеч жафони тарк қилмас,
 Ҳар нечаки сен вафо қилурсен.
 Ул ўттуру сен нечукки хошок,
 Қурб истасанг ўтқа ёқилурсен⁸⁹.

31 [51]

Давлатинг дамбадам афзун бўлсун,
 Толиъинг фарруху маймун бўлсун.
 Дамбадам ҳусну жамолинг ортиб⁹⁰,
 Юз манингдек санга мажнун бўлсун.

32 [52]

Кўргач сени ишқингдин афсона бўлубтурмен,
 Кўрмай сени ҳажрингдин девона бўлубтурмен.
 Бас ҳусн кўрубтурмен тожику⁹¹ араб ичра,
 Девонайи ул ҳусни туркона бўлубтурмен.
 Бу кулбадаким, доим ҳамхона нишот эрди,
 Эмди ғаму меҳнатқа ҳамхона бўлубтурмен.
 То ишқу жунун хайли бўлмиш манга ҳамхона,
 Ҳушу хирад аҳлидин бегона бўлубтурмен.
 Зулмунг била лутфунгдин юз қитла мен мажнун
 Девона бўлубтурмен, фарзона бўлубтурмен.

33 [53]

Олам элидин бир йўли бегона бўлубмен,
То итларинга ҳамдаму ҳамхона бўлубмен.
Вайрона кўнгул ганжи жамолингга ватандур,
Бу важҳ била толиби вайрона бўлубмен.

34 [54]⁹²

Эй турки парийваш яна девона бўлубмен,
Олам аро Мажнунсифат афсона бўлубмен.
Сунбул киби зулфунгни кўруб гул юзунг узра,
Ваҳким, мени савдой девона бўлубмен.

35 [58]

Оҳким, огаҳ эмас доғи ниҳондин ул моҳ,
Ё раб, ул доғ ўтидин айлагил ани огоҳ.
Ел очиб талъатини жоним аро ўт солди,
Рўзгоримни қаро қилди ўшал зулфи сиёҳ.
Сенсизин жону жаҳонни нетай, эй умри азиз,
Фаразим сен сену бас икки жаҳондин валлоҳ.
Кўҳи Албурзча бўлди гунаҳим⁹³ тоғи улуқ,
Гар эсар лутф насими, йўқ эрур бир пари коҳ.
Файрға хайлу сипоҳ ўлса манга лутфунг бас,
Лутфунг ар бўлмаса неткай йиғилиб хайлу сипоҳ.
Комрон топти йўлунг туфроғида салтанате
Ким, тилаб ер юзининг шаҳлиғида топмас шоҳ.

36 [59]

Эйки, толиъ қилди чеҳранг офтоби ховарий,
Терга ботти оразинг оллида гулбарги тарий.
Гул юзунг нам бўлмасун ҳаргиз ажал боронидин,
Эсмасун⁹⁴ сарви равонингга фанонинг сарсарин⁹⁵.
Нилуфардин шоҳи гулда кўрмадук ул лутфким,
Қоматингдин зоҳир этмиш хилъати нилуфарий.
Куфр элининг мақсади, дин аҳлининг мақсудисен,
Толиби васлинг эрур изидий, ҳам озарий.
Комрон гар бистари роҳат санга йўқтур, не бок,
Бас эмасму⁹⁶ гулхан ичра бистари хокистарий.

37 [60]

Ваҳки, жоним дардини ул моҳсиймо билмади,
 Ҳар неча жоним дедим, жонимга раҳме қилмади.
 Юз жафо бирла мени дилдордин айирди чарх,
 Йўқса ҳечким кўнгли бирла жонидин айрилмади.
 Гул била сунбул тилаб бу боғ аро кездим баса,
 Оразингдек гул, сочингдек сунбуле топилмади.
 Юз гул очти гул юзунг май тобидин, эй муғбача,
 Турфароқ буким, юзингдек бир гуле очилмади.
 Еткач ўзлукдин бажон, лаълинг майидин Комрон,
 Масту беҳуд бўлди андоққим яна ойилмади.

38 [61]

Не бўлди сўрсанг, эй ой⁹⁷ зорларни,
 Бу ғамда қўймасанг афгорларни.
 Манга йўл ҳуррам ҳарамда,
 Қавуб атрофидин ағёрларни.
 Азизим, гар азиз ўлмоқ тиларсен,
 Қаро туфроққа қўйма хорларни.
 Қўзунг беморимен, сўрғил, не бўлди,
 Гаҳе, эй дилрабо, беморларни.
 Сенингдек дилбари танноз билман,
 Кўрубмен гарчи кўб дилдорларни.
 Хуш улким, жамъ эди бори ёронлар,
 Фалактин кўрмайин озорларни.
 Дариғо, Комрон, фитнайи даврон,
 Паришон қилди жамъи ёрларни.

39 [62]⁹⁸

Очибон рухсори оташнокни,
 Уртадинг мушти хасу хошокни.
 Ломалифдек зулфу қаддингни кўруб,
 Нафй қилдим бир йўли идрокни.
 Май ичиб бут қошида қилди сужуд,
 Кимки, кўрди ул бути бебокни.
 Кўрдилар кўксум шигофини кўруб,
 Гунчадек кўнглумда тушкан чокни.

Менда бир ўттурки, оҳ урсам баланд,
Бир нафаста ўртагай афлокни,

Комрон соф эт кўнгул кўзгусини,
Анда кўрмак истасанг ул покни.⁹⁹

40 [63]

Кел, эй қонлиғ ашкимки, бир зор йиғлай.
Қилай васлини ёду бисёр йиғлай.
Чекиб нола андоқки абри баҳорий,
Фиғонлар қилиб ҳолима зор йиғлай.
Чаманда қаён сарви¹⁰⁰ нозеки кўрсам,
Соғиниб ўшал қадду рафтор йиғлай.
Қатиқ дардима Комрон чора топмай,
Бўлуб чорасиз эмди ночор йиғлай.

41 [64]

Парвоз қилиб ишқ қуши бошима қўнди,
Мажнун кўнгул иткан қушинни топти, севунди,
Чун олам иши барча фанодур, хуш ўшалким,
Бу қуш била бу сайдгаҳ ичинда овунди.
Кўнглум қуши ул воситадин боли синуқтур
Ким, сени тилаб талпинар сарв урунди.
Ўздин борибон нола қилур, мен не қилурмен,
Ногоҳки ул ҳурвашим кўзга кўрунди.
Гар яла бошим тош¹⁰¹ ила ёрди жиҳате бор,
Юз шукр қилурменки, бошим тошға туфунди.
Эй ел, борибон қошида арз айлаки, ғозий,
Қуллуқ дедию арзи ниёз этти, букунди.

Фардлар

42 [70]

Тушта кўрдум ёрни хандон рақибин ўтруда,
Рашкдан ҳар дам тўкармен ашк ғамин кулгуда.

43 [71]

Оғриса мен телбадин жононим эрмастур ажаб,
Ул базе нозук мизожу мен ниҳоят беадаб.

44 [83]

Хусн аҳли ишқинг ичра Фарҳодтин батардур,
Шаклинг кўнгулларинда ка-н-нақши фил ҳажардур,

45 [85]

Кўнгул васлин истаб ҳавое қилур,
Чу гулшанда булбул навое қилур.

46 [86]

Лолайи ҳамро деган юзи эмиш ёр-ёр,
Наргиси шаҳло деган кўзи эмиш ёр-ёр.

47 [87]

Фарёдки, дардимни дилдор манинг билмас,
Дардимни билиб бир дам дардимға даво қилмас.

48 [88]

Гулшани кўйунгда келдим истабон базми висол,
Йўқки бўлғаймен фироқ илгида мундоқ помол.

49 [91]

Ўзин васлингдин айру бир замоне билмаған кўнглум,
Фироқинг шиддатин мундоқ тасаввур қилмаған кўнглум.

50 [92]

Эйки лутфунгдин сенинг шармандамен,
Кулларингнинг қулларига бандамен.

51 [96]

Ғар тараҳҳум қилмаса ҳижрон аро жонон ахий,
Бўлғум ушбу ғуссадин оворайи даврон ахий.

52 [97]

Баҳор ўлди ул навбаҳорим қани,
Очилди¹⁰² гул ул гулзорим қани?

53 [99]

Чун эрур бегоналарға ошно,
Мен дағи бегона бўлсам не ажаб.

54 [100]

Кўнглум ўргамчи киби зулфидин,
[Бир] магас ҳолиға тушти осилиб.

55 [101]

Сочидин узмак кўнгул мумкин эмастурким, кўнгул
Анда ўзни боғламиш жон риштасидин беркитиб.

56 [102]

Икки холинг нуқтасидур ё кўзумнинг мардуми,
Фарқ¹⁰³ этаолман қамардек оразингға кўз тикиб.

57 [103]

Комрон учғач кўзум бу зор кўнглум ҳам солур,
Ул парий васлин тилаб ҳар лаҳза қушдек талпиниб.

58 [104]

Сўрма бошимдин нелар ўтти фироқ айёмида,
Сур бўлур бағринг, санга мен шарҳ қилсам саргузашт.

59 [106]

Қомрондек мастмен кўйида дермен ҳар замон,
Қайси гулшаннинг сенингдек бир гули раъноси бор.

60 [107]

Ҳар тараф найзаву қилич қўпти,
Уйлаким найистон ичинда қамиш.

61 [109]

Уйқумда, ўнгумда сен сенинг ким,
Кўнглумда, кўзимда жо қилурсен.

62 [110]

Ийдгоҳ ичра чопиб тирф қаломин ушатиб,
Мунфаъил бўлди анинг шавкатидин¹⁰⁴ шоҳу сипоҳ.

Қитъалар

63 [112]

Токи ғайр ўлди маҳрами ҳараме,
Мени маҳруми ул ҳарам қилди.
Мени, шоҳо, сипоҳи дарду ғаминг,
Олам эли аро алам¹⁰⁵ қилди.

64 [114]

Ваҳки, ул шўх ҳажри меҳнатидин
Қолмади (э[м] ди ҳеч аҳволим.
Мунга шоҳиддурур кўруб билсангиз,
Чеҳрайи зарду гирийи олим.
Қўрмасам чеҳрасини ҳар¹⁰⁵ соат,
Бўладур ўзгача менинг ҳолим.

65 [117]

«Ўрта боғ» ичра ҳужрае солдим,
То манга бўлгай ул фароғатгоҳ.
Ҳужрайи хосим эрди, тарихин,
«Ҳужрайи хоси мо»¹⁰⁷ дедим ногоҳ.

Рубоийлар

66 [118]

Гар чора учун топилмаса яхши табиб,
Тенгри карами табиб бўлса не ажиб.
Бўлсун бошинга жону жаҳоним садқа,
Дардинг дағи жисми нотавонимға насиб.

67 [119]

Не хуштур агар келса бу сари дилдор
Ким, меҳнати ҳижрон аро бормен бемор.
Чун васлиға йўқтурур манга дастрасе,
Ҳижрон аламиға ху қилибмен ночор.

68 [120]

Ҳажринг мени асиру нотавон айлабтур,
Лаълинг ҳаваси ичимни қон айлабтур.
Бебаргу наво айлагонинг булбулдек,
Яфроғ киби чеҳрамни хазон айлабтур.

69 [121]

Бемор кўзига кўзларим мафтундур,
Хунхор лабидин жигарим пурхундир,
Гуфтори анинг боштин аёқ афсундур,
Қилган мени маст ўшал лаби майгундур.

70 [122]

Қаддимни ҳам этган ул қадди мавзундур,
Сабримни кам этган ул рухи гулгундир.
Кўнглум доғи васлингни тилаб махзундур,
Лайлосен, Қомрон санга Мажнундур.

71 [123]

Найлаб санга дардимни аён қилғумдур,
Не тил била ҳолимни баён қилғумдур.
Не тоқати изҳору на ихфо, ўзни
Бу тавр ила расвойи жаҳон қилғумдур.

72 [124]

Сенсиз неча меҳнатқа қарин бўлғаймен,
Васлингни тилаб зору ҳазин бўлғаймен.
Мушкул санга ёру ҳамнишин бўлғаймен,
Ҳар чандки саъй этиб барин бўлғаймен.

73 [125]

Гар уйқудамен, кўнгул хаёлинг била хуш,
Гар уйғоқ кўзум жамолинг била хуш.
Хаттинг била шодмону холинг била хуш,
Ҳажринг била ғамноку, висолинг била хуш.

74 [126]

Юз жавр ила, ваҳки, чархдур бебок,
Жисмимни кабоб эттию жонимни ҳалок.
Айб айлама оҳимни кўруб оташнок,
Чун туфроқ аро кирибтур ул гавҳари пок.

75 [127]

Эй дўст, манга ғайри жафо айламадинг,
Ҳар аҳдки айладинг, вафо айламадинг.
Гар айламадинг вафо, карамлар қилдинг
Ким, жавру жафони ҳам хато айламадинг.

76 [128]

Ё бўлса муяссар кишига илм ила ҳол,
Ё топса киши салтанат авжида камол.
Ё ошифтае бўлса кўруб ҳусну жамол,
Ё бўлса тамом ўзлугидин фориғбол.

77 [129]

Ё рабки, ўшал ойни манга маҳрам қил,
Ё меҳрин анинг хаста кўнгулдин кам қил.
Ё мени анинг фурқатидин беғам қил,
Ё они манга ҳамнафасу ҳамдам қил.

78 [130]

Жоно, чу жамолингни тамошо қилдим,
Васлинг ҳавасида ўзни шайдо қилдим.
Мен қандаву давлати висолинг, ҳайҳот,
Кўргилки, ажаб турфа таманно қилдим.

79 [131]

То шифтаи туррайи жонон бўлдум,
Барҳамзадаву бесару сомон бўлдум.
Фарёдки, оворайи даврон бўлдум,
Алқисса асири дарди ҳижрон бўлдум.

80 [132]

Эй пайки сабо, еткурғил ул жонға салом,
Султони замон шаҳи Бадахшонға салом.
Билқиси замону Осафи аҳдқа де,
Зинҳорки еткурунг Сулаймонға салом.

81 [136]

Ваҳ-ваҳ яна ғамзадин бу сари боқасен,
 Фурқат ўтини жонима гаҳ-гаҳ ёқасен,
 Жон бирла кўнгул аро солиб тафриқа сен,
 Бу турфаки мажруҳ, кўнгулга боқасен.

82 [137]

Эйким, юзунга волаву ҳайрондурмен,
 Зулфунг ғамидин асру паришондурмен,
 Сан ончаки борсен гуризон мендин,
 Юз онча фироқтин гуризондурмен.

83 [138]

То кўрдум ўшал чехрани ҳайрондурмен,
 То зулф ҳавосида паришондурмен,
 Ҳам оғзининг асрорида нодондурмен,
 Ҳам ҳуснининг авсофида Ҳассондурмен.

84 [139]

Хиргаҳ ҳуш эрур домани сахро бўлса,
 Сахро юзида сабзайи хазро бўлса,
 Асбоби тараб барча муҳайё бўлса,
 Мен бўлсаму ул дилбари раъно бўлса.

85 [140]

Ёдек¹⁰⁸ қадим айлайн фидо бошингға,
 Бошимни қилай фидо сенинг ёшингға,
 Истарга кўра сени ўйинга ҳаддим йўқ,
 Лутф эт, тилагил¹⁰⁹ бандани ўз қошингға.

86 [141]

Алявм камо ямурру ҳатто лайлий¹¹⁰,
 Ким, ғам туни Мажнундин ўтар бе Лайли,

Тун-кун будурур ҳажринг аро аҳволим,
Юз нола фироқингдину юз вовайлий.

87 [142]

Дедимки, манга берди худо фарзанде,
Бўлди юрагим порасиға пайванде.
Ҳеч англамадимки, чок этиб кўксумни,
Пурхун жигаримдин эрур парканде.

88 [143]

Фарёдки, фарёдима етмас не қилай,
Ул шўх манинг додима етмас не қилай,
Ҳар чанд ки дардимни баён айлармен,
Дарди дили ношодима етмас не қилай.

90 [145]

Аҳбобқа хуштурур рафиқ ўлса киши,
Имдод ила ҳомийи тариқ ўлса киши,
Ислом элига жон била тарвиж қилиб,
Бир-бирига бу беш кун шафиқ ўлса киши.

89 [144]

Ё равзайи ризвон киби кўйунгниму дей,
Ё ғояти эътидол бўйунгниму дей,
Ё ҳусни калому гуфтугўйунгниму дей,
Ё таъби салиму яхши хўйунгниму дей?

91 [146]

Ҳайвон сўйидек оби ҳаётинг яхши,
Жон шарбатидин чучук наботинг яхши,
Ҳам кўйи вафо ичра саботинг яхши,
Ҳам ҳусн эли ичинда отинг яхши.

Маснавийлар

92 [148]

Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р — раҳим
Чекти адув қатли учун тийғи бийм.

Тийғ демай, балки дарахшанда барқ,
Равшан анинг партавидин ғарбу шарқ.

Партавидин даҳр ҳувайдодурур,
Арши муалло уза туғродурур.

Андаки чекти бу¹¹¹ рақамни қалам,
Барча вужуд эрди ғариқи адам.

Йўқ бу рақам аввалиға ибтидо,
Холий анинг охиридин интиҳо.

Боки, бу хат бошидадур, бор эрур,
Нуқтайи ваҳдатқа намудор эрур.

Ёки ташаҳҳуд илигидур очуқ,
Ваҳдати маъбудқа бордур тануқ.

Сини анинг турфа салосилдурур
Ким, учи матлубқа восилдурур.

Миму алиф нафй ишоратидур,
Кўр мутаоқибки, ҳақ исботидур.

Миму наам равзасидин равзана,
Ҳар алиф ул равзада сиймин тана

Ким, қилибон жилва намоён бўлур,
Лом анга зулфи паришон бўлур.

Ҳойи анинг буйлаки чашми шухуд,
Анда қилиб шоҳиди маъно намуд.

Ҳар алифи бир шажаре меванок,
Мева анга маърифати зоти пок.

Ломлари туррайи мушкини ҳур,
Хулд ичида боиси суру сурур.

Эй караминг бизга¹¹² фалак корсоз,
Лол қолур васфинг аро аҳли роз.

Васфинг эрур ҳадди баёндин бирун,
Маърифатинг икки жаҳондин бирун.

Икки жаҳон ҳожати пайдо санга,
Бўлмади идрок шуносо санга.

Дарғаҳинга ақл саросимае,
Раҳравинга чархи барин хаймае.

Кимни муҳаббат била фард айладинг,
Ҳимматини чархнавард айладинг.

Сендин эрур чархи баринға мадор,
Сендин эрур гўйи замин барқарор.

Топти фалак гумбади сендин вужуд,
Қолди тавозуъ била айлаб сужуд.

Гардишидин зоҳир ўлуб меҳру моҳ,
Ҳастийи сонийға эрурлар гувоҳ.

Ул бириси нурда бир чаман,
Бу бириси шамъи сипеҳранжуман.

Бу иккининг тобишидин ҳар замон,
Ўзгача суврат бу чаманда аён.

Гоҳ бўлуб жилвайи гул ошкор,
Анға бўлур нағмасаро юз ҳазор.

Гоҳ шукуфа бўлубон ашкрес,
Гулга қилур боди сабуҳий ситез.

Наргис очиб ғайрат ила кўзини,
Лола қилур фарқайи хун ўзини.

Гоҳ чекар қоматини сарвиноз,
Анда қилур зохта арзи ниёз.

Савсани озод этар озодалиқ,
Сабза қалам олтида¹¹³ уфтодалиқ.

Ҳар нечаким аръар эса сарбаланд,
Ток солур бўйнига анинг каманд.

Ғунча таажжуб била хандон бўлур,
Шабнам анга растайи дандон бўлур.

Чунки бўлур шоҳиди гул пардапӯш,
Пири харифе бўлубон худфуруш.

Андоқ ўлур зебда боғу роғ
Ким, бу чаман саҳнида товуси боғ.

Чатрини норанж қилиб зарнигор,
Ҳастийи сонийни қилур ошкор,

Наҳли мулавванни қилиб соябон,
Сабзайи зангор юзида хазон.

Субҳ елидин чу паришон бўлур,
Сафҳайи боғ узра зарафшон бўлур.

Ҳуш кўзин очса киши, ҳар варақ,
Маърифати дафтаридин бир сабақ.

Анда рақам ҳарфи вужуди анинг,
Зоҳир ўлуб маънийи буди анинг.

Бу бари осорки нодирдурур,
Жилвада феъли муассирдурур.

Сурса агар хомасини нақшгар,
Зоҳир ўлурму варақ узра сувар.

Сурса агар хомайи сувратнигор,
Сувратидин буди ўлур ошкор.

Эй бари сувратта ҳувайдо юзунг,
Ишқ элига мойи савдо юзунг.

Қил мени ишқинг майидин буйла маст,
Ким абаду-д-дахр бўлай майпараст.

Ғайри тамошойи юзунг қилмайин,
Ишқдин ўзга нимани билмайин.

Бор худоё, манга тавфиқ бер,
Хотирима шевайи таҳқиқ бер.

Ёдинг учун мени барандеша қил,
Фикру хаёлингни менга пеша қил.

Кўнглима ёдингни анис айлагил,
Дўстларинг бирла жалис айлагил.

Манга ўшал базмда бер соғаре,
Нури худодин бошима афсаре.

Айлаб ўшал соғар илан майпараст,
Айла хароботи муғон ичра маст.

Этсанг ўшал афсар ила сарфароз,
Кишвари маънони қилай турктоз.

Жону кўнгил бирла бериб ихтисос,
Айла табиат кашидин халос.

Пасту баланд ичра бўлуб жилвагар,
Юбсирудин¹¹⁴ айлади равшан басар.

Лутф била файз эшигин боз қил,
Пардаи роз ичида ҳамроз қил.

Барча муойинга мени маҳрам эт,
Хизру Масиҳоға дағи ҳамдам эт.

Сўзума бер ишқ ўтидин чошни,
Чошниким, су этар тошни¹¹⁵.

Эйки Низомийға берибсен низом,
Мени ҳам ул риштада қил интизом.

Хусравиким, Ҳиндга чекти алам,
Мамлакатин айла манга якқалам.

Жомийиким¹¹⁶, чекти ўшал софи жом,
Дурдисини ҳам манга тут локалом.

Мендин агар туркийда бўлса наво,
Табли тихийдин чиқарурсен садо.

Табл киби менмен ўзумдин тихий,
Сендин эрур лек умиди беҳий.

Бормен алар итларидин асру паст,
Ўзлук илан маст сенинг бирла ҳаст.

Итларининг элига етмай қўлум,
Мен не дейин робитўхум калбухум.

Заррасифат ўзни билурмен ҳақир,
Сендин эса нур, бўлурмен мунир.

Зарраға хуршиди карам берса тоб¹¹⁷
Зарра бўлур меҳр киби нурёб¹¹⁸.

* * *

Бир тун эди субҳ киби дилфурўз,
Қадр ила бадридин ўлуб рашки рўз.

Туррасидин нофайи давлаткушой,
Гуррасидин нури саодатфизой.

Тун демаким субҳи саодат эди,
Матлаи анвори ҳидоят эди.

Бориқайи лутф дурафшон ўлуб,
Абри иноят гуҳарафшон ўлуб.

Ҳожаки кавнайн эди бандаси,
Қилди мадад давлати пояндаси.

Жозибайи шавқ чекиб жонини,
Кўнгли дағи истади жононини.

Кўз ёшидин урди талаб йўлин об,
Бир йўли учди кўзидин майли хоб.

Чун нами ул абри кароматнисор,
Айлади мақсуд йўлин беғубор,¹¹⁹

Озим ўлуб қосиди малакқадам,
Хидматиға жозим ўлуб ушбу дам.

Келди, келтурди ажаб маркабе,
Чархумир мисли қамар ашҳабе.

Бормоғи ўқ секримағи ёйидин,
Ҳар қадами моҳиғача¹²⁹ ойидин.

Нури басардек равиши ком анга,
Тенг эди жунбиш била ором анга.

Тук танида эйлаки дебойи чин,
Кўзлари равшанқуни айну-л-яқин.

Деди қўп, эй ҳожайи икки сарой
Ким, бу замон¹²¹ сени тилаптур худой.

Чун бу башорат етибон шод ўлуб,
Кўнгли анинг каъбадек обод ўлуб,

Қўптию йўл азмини жазм айлади,
Масжиди ақсо сари азм айлади.

Упти аёғин чу ҳилолий рикоб,
Топмади андоқ шарафе офтоб.

Маркаби йўл қатъиға қўйди қадам,
Масжиди ақсоға етиб ушбу дам.

Барча набийларға бўлиб пешво,
Айладилар барча анга иқтидо.

Андин этиб қасди сипеҳри баланд,
Мақдамидин бўлди қамар баҳраманд:

Юз йўлининг туфроғин қилди доғ
Ким, ер узра мунча ёрутти чароғ.

Поябапоя бориб ул подшоҳ,
Мақдамидин баҳра топиб меҳру моҳ.

Қатъи етти гумбади афлок этиб,
Сояйи тубийни шарафнок этиб.

Қўйди бийик пояға андин қадам,
Ҳамроҳи ожизлиғидин урди дам.

Арш йўлида бўлибон фарши роҳ
Анда хиром айлабон ул подшоҳ.

Майл қилиб олами боло сари,
Борғаҳи ҳазрати аъло сари.

Хирқайи тан жон танға чок ўлуб,
Жилвағаҳи¹²² арсайи лавлок ўлуб.

Борди ўшал ердаки бир йўқ эди,
Не оз эди андаву не чўқ эди.

Йўқ эди бир лаҳза замондин нишон,
Ҳеч макон йўқ эди жуз ломакон.

Олти жидаттин мамаре қолмайин,
Тўрт сабабтин асаре қолмайин.

Аввалу охир бари яксон ўлуб,
Зоҳиру ботин бари раҳмон ўлуб.

Келди ўшал ламҳада роз эшитиб,
Замзамайи нозу ниёз эшитиб.

Нур эди ул пайкари хокий насаб,
Жисм била борса доғи, не ажаб.

Ушбу сабабтинким, эди у жаноб,
Жисми эмас эрди қуёшқа ҳижоб.

Кўрки, нечук лаҳзада анварбасар
Етти фалак жавфидин айлар гузар.

* * *

Чунки Сикандар шаҳи олийгуҳар,
Қилди жаҳон олғали азми сафар.

Бир кун эди баҳри тафаккур аро,
Баҳри тафаккурда таҳайюр аро.

Деди Арасту кўрубон ушбу¹²³ ҳол,
Эй шаҳи фаррухрухи фархундафол.

Эвруладур чарх муродинг била,
Топти низом ишлари¹²⁴ додинг била.

Ҳарне жаҳон ичида бордур ҳавас,
Барчасига бор санга дастрас.

Бахт ила толиъ бўлубон ёваринг,
Қайсару фағфурдурур чокаринг.

Руму фарангдин оласен харжу бож,
Ҳинд диёрига қўярсен хирож¹²⁵,

Барча ишингда чу эрур буйла ҳол,
Бас не экин боиси ранжу малол.

Деди чу ул олама солдим назар,
Бу кўб анинг жанбидадур мухтасар.

Бас бу жаҳон забтига қўймоқ қадам,
Ҳиммати олийдин эмас ложарам.

Ушбу сабабтин бўлубон мунфаъил,
Ушбу хижолаттин ўлубмен хижил.

Деди Арастуки, зиҳий фикратинг,
Мундоқ эса олам аро ҳимматинг.

Ушбу сўзунгда йўқ эрур ҳеч райб,
Қасри ҳимам сендин эрур мунда айб.

Лек нечукким манга¹²⁶ бердинг низом,
Айла анинг ишида ҳам эҳтимом.

То бу жаҳон бўлса мусаххар санга,
Бўлғай анинг шаҳлиғи дархўр санга.

Чунки Арасту анга арз этти панд,
Тушти Сикандарға бу сўзлар писанд.

Топти тасалли сўзидин шоҳи дин¹²⁷,
Деди Арастуға базе офарин.

Боғлади оламини олурға камар,
Олди жаҳон мамлакатин¹²⁸ сарбасар.

Йўқ бу жаҳон, икки жаҳон мулкани,
Ваҳ, не жаҳон мулкани, жон мулкани.

Соқий, кетургил манга ул жоми Жам,
То ичай андин қадаҳе дамбадам.

Жом дема¹²⁹ кўзгуйи Искандарий,
Кўзгу эмас балки қуёш манзари.

То кўруб ул кўзгуда важҳи илоҳ,
Унутаин ҳарнеки бор мо сивоҳ.

Эй ўзини жоҳ ила маст айлаган,
Ҳимматин ул пояда паст айлаган¹³⁰.

Шуъбадан чархқа мағрурсен,
Оҳки, мақсад соридин дур сен.

Ҳиммат эмас улки, жаҳон олғасен,
Ҳиммат эрур буки, борин солғасен.

Кимки сабукбор эрур йўл аро,
Қолмас ўшал бодияву чўл аро.
Кўрки, кулар барча халойиқ санга,
Нега керак мунча алойиқ санга.
Гўша тутуб ўзни халос айлагил,
Балки талаб кўйида хос айлагил.
Якталабу якдилу якхўй бўл,
Барча халойиқ била якрўй бўл.
Лек санга кўйи фано басдурур.
Хайлу сипаҳ дарду бало басдурур.
Бахт эрур бистари гулхан санга,
Ишқ ўтин қилғали равшан санга.
Қать қил андинки эрур мо сиво,
Икки жаҳондин санга бас бир худо.
Гар йўқ эса тожи муламмаъ гуҳар,
Белда дағи чуст мурассаъ камар.
Тож эрур хоки дари бандалиқ¹³¹.
Ул бирисидур камари бандалиқ.
Лаълу зареким анга дархўрд эрур.
Ашки жигаргуну рухи зард эрур.
Кимки, тилаб ганжни пайдо қилур,
Ранж чекар ганж таманно қилур.
Пояйи ҳимматни¹³² баланд айлагил,
Риштайи жонингни каманд айлагил.

Чунки ўшал пояни қилдинг баланд,
Кунгирайи аршқа солғил каманд.
Ҳайдар ўшал шоири¹³³ фархундафар,
Бир-икки сўз деди ажаб мухтасар:
«Эр кишига ҳиммат агар туш бўлур,
Кўкни талашқучи агар қуш бўлур,
Эр кишига ҳиммат агар бўлса ёр,
Оқибату-л-амр муродин топар».
Кўпқилу¹³⁴ мақсуд қилғил талаб,
Чунки паямбар сўзидир «ман талаб».

Чиқти Хуросон соридин ўғривор,
Хом тамаъ айлаб они Қандаҳор.
Ўт солибон¹³⁵ ул тамаи хом анга,
Жамъ бўлуб бир неча¹³⁶ бадном анга.
Шоҳ қилиб ул орада Сомни,
Барҳам уруб кишвари исломни.
Куфр ўтининг шуъласини тез этиб,
Зулму ситам тийғини хунрез этиб,
Беваву бечорани талон қилиб,
Жамъ кўнгулларни паришон қилиб.
Солди мамолик ичида рустахез,
Бўлди баса толиби жангу ситез.
Чун бу хабар етти манга бедаранг,
Ҳинд ичида айладим асбоби жанг.
Боғладим ул ҳарб учун белни чувт,
Кўптиму қилдим сафар азмин дуруст.
Бир неча кун йўлга ҳиром айладим,
Хиттайи Кобулни мақом айладим.
Хитта демай, равзай хулди барин,
Хўблари барчаси¹³⁷ ошуби дин,
Ҳар сори юз хўб бўлуб жилвагар,
Жону кўнгул қасдиға боғлаб камар.
Ул бириси хусрави мулки жамол
Ким, қоши долиға қаддим бўлди дол.
Боштин аёқ қомати ошуби дин,
Чеҳраси андоққи гули оташин.
Ул бириси жону кўнгулга табиб,
Асру диловез доғи дилфиреб.
Ҳар сориға зулфи камандин очиб,
Сафҳайи кофурға анбар сочиб,
Ул бириси шоҳлик айлаб ҳавас,
Жилва ҳар сориға қилур ҳар нафас.
Чунки гадоларға бўлуб ғамгусор,
Шахлғиға ҳам йўқ ўлуб эътибор.
Ул бири ким мақсаду мақсуд эди,

Барча зиёнлар ғамидин суд эди.
Сабзайи хатти чиқибон юзидин,
Билгирур эрди ели наврӯзидин.
Ул бириси асру ҳаёлиқ йигит,
Лутфу карам брла сафолиқ йигит.
Ул яна бирики, Темуртош эди,
Ул озода йўқ эдию ёш эди.
Кўксума илгидин урай тошлар,¹³⁸
Жону кўнгулдин оқизиб ёшлар.¹³⁹

93 [150]

Эй сабо, кўп, гузар эт, ёр сари,
Меҳрибон ёри вафодор сари.
Остонин ўпу ҳолим арз эт,
Сарбасар фикру хаёлим арз эт!
Дегил ул дамки юзунгни кўрдум,
Меҳрдин лофи мўҳаббат урдум.
Ҳар қачон талъатинг очсанг ҳурдек,
Ўт туташти¹⁴⁰ манга нилуфардек.
Мужа ханжарларини тез айлаб,
Юз бало жонима анgez айлаб.
Кўзларинг нарғиси бадмаст эттинг,
Мени ишқинг йўлида паст эттинг.
Чун бошим бўлди сенинг хоки раҳинг,
Ўзга кам тушти бу жониб ниғаҳинг.
Мен бaсе зоҳир этиб ажзу ниёз,
Айладинг ноз билa арбадасоз.
Ишваға ғорати дин ўргаттинг,¹⁴¹
Ғамзаға шевайи кин ўргаттинг.¹⁴²
Зулфни¹⁴³ юзга паришон қилдинг,
Субҳи айшимни шабистон қилдинг.
Ўсмадин бўлди қошинг қавсмисол,
Ё эрур ой бошида кўкта ҳилол.
Кўюбон хол лаби майгунға,
Ўртадинг доғ дили пурхунға.
Лаби ширинки шақаррез эттинг,
Ул Шакарға мени Парвез эттинг.
Берибон тоза ниҳолингға хиром,
Айладинг кўз ила кўнглумда мақом.
Чектинг икки кўзунга¹⁴⁴ сурмаи ноз,
Ақлга пора қилиб пардаи роз.
Жилваи ҳусн бўлуб ғаммозим,
Пардадин ташқари тушти розим.
Шуҳраи шаҳр бўлуб Мажнунвор,

Сени деб тарк қилиб ёру диёр,
Меҳр ила шуҳраи офоқ ўлдум,
Меҳрдек ишқ ўтидин тоқ ўлдум.
Ўзлугумдин чу мужаррад билдинг,
Асру ло яъқулу беҳуд билдинг.
Васл ҳангомасини тез эттинг,
Шаккарин лабни шакаррез эттинг.
Дамбадам нўш қилиб жоми висол,
Ўзлугумдин бўлубон фориг бол.
Хусн авжига назар во қилдим,
Меҳри анварни тамошо қилдим.
Фалак андинки каж ўлмиш равиши,
Меҳри толиъга ғуруб ўлди иши.
Васл субҳни қилиб шом манга,
Солди юз ғуссани ноком манга.
Жонима шуъла солиб оҳу фиғон,
Кўзларим бўлди баса қатрафишон.
Ошнолардин ўлуб бегона,
Шаҳру кўй ичра ўлуб афсона.
Ақлу ҳушу хирадим қилди фирор,
Қолмади жоним аро сабру қарор.
Кўрмайин кўзини ҳайрон бўлдум,
Зулфи ёдида паришон бўлдум.
Қоши фикрида қадим бўлди ҳилол,
Алифим қоматининг ёдида дол.
Ваҳ, неча бўлғаймен меҳнат аро,
Ё раб, ўлғайму яқин фурсат аро.
Тангрининг лутфи манга ёр ўлғай,
Кавкаби бахт мададкор ўлғай.
Янги ойдек кўрунуб эгма қошинг,
Тийра шомимни ёрутқай қуёшинг.
Гар худо қилса бу давлатни насиб,
Кўргузуб¹⁴⁵ чеҳра ўшал шакли ғариб.
Сендин ўзга ҳавасе қилмасмен,
Итларингдек доғи айрилмасмен.
Қайси гулшанда эсанг чеҳрафурўз,
Мену булбул киби афғон била сўз.
Қайси боғ ичра эсанг жилванамой,
Мадҳи ҳуснунгда¹⁴⁶ бўлғай нағмасарой.
Ҳар қачон оразинг ўлса гул-гул,
Гул юзунгда¹⁴⁷ бўлайин мен булбул.
Ҳар чамандаки қаддинг қилса хиром,
Борайин соя киби гомбагом.
Гар юзунг равшан этар кошона,
Шамъи ҳуснунгга бўлай парвона.
Шамъдек қаддинга қурбон бўлайин.

Балки парвона бўлуб эврулайин.
Туну кун ҳамнафасу ёринг ўлай,
Бандаи лаъли шакарборинг ўлай.
Билмайин сению¹⁴⁸ ўзни билмай,
Хидматингдин нафасе айрилмай.
Дейилур сўзга чу бердим итмом,
Не дейин ғайри дуо бирла салом.

94 [151]

Улки хуршид киби чеҳраси тобон эрди,
Тийра кулбамга менинг шамъи шабистон эрди.
Ёди кўнглум ичида боъиси жамийят эрди,
Хотирим туррасидин гарчи паришон эрди.
Бу бузуғ кулбам анинг чеҳрасидин гулшан эди,
Ҳоли вайрона эса, бурна гулистон эрди.
Шодмон эрсам, эди боиси хушҳоллигим,
Гар малул ўлсам¹⁴⁹ эди, ҳолима гирён эрди.
Қадрини билмадим хотирини сақламадим,
Билмадимким неча кун ул манга меҳмон эрди.
Бордию фурқатидин бўлди тириклик мушкул,
Гарчи олдинда равон бермагим осон эрди.
Ваҳки, хуноб бўлуб кўз йўлидин бўлди равон,
Гунчадек улки бурун таҳбатаҳе қон эрди.
Оҳ найлай, не қилай, чорани кимдан истай,¹⁵⁰
Қани ул ёрки, ҳар дардима дармон эрди.
Қилайин ҳар нафасе ҳасратидин кўксум чок,
Қора туфроққа кириптур чу ўшал гавҳари пок.

Ваҳки даврон яна бедодни¹⁵¹ бунёд этти,
Бу ҳазин жонима кўргилки не бедод этти.
Хонумонимни бузуб, нақди ҳаётимни олиб,
Ҳосили умри гармонмойни барбод этти.
Айшу ишратни қилиб ранжу машаққатқа бадал,
Ғаму меҳнатқа мени бир йўли муътод этти.
Шодлиқ кулбасини хонайи мотам қилди,
Байти ишратни бузуб ғам уйин обод этти.
Тийра шомимда улус йиғлади аҳволимга,
Телба кўнглумки, фиғон чектию фарёд этти.
Сарвқаддимни қилиб соя киби ер¹⁵² била паст,
Сарву шамшод тамошосидин озод этти.
Ҳар не Фарҳодқа қилди, манга бу золи фалак
Қилди, мен ҳам қилайин хар неки Фарҳод этти.
Оҳким, фурқатилин бўлли ичим кўп мушқил,
Боғлайин эмли анинг кейнича мен ҳам маҳмил.

Ваҳки, айём бўлуб кўзга қаронғу¹⁵³ сенсиз,
Кўзларимдин учадур кечалар уйқу сенсиз.
Тийра ер остида ёлғуз не экин ҳолингким¹⁵⁴,
Манга ер узра жаҳон бўлди қаронғу сенсиз.
Ўлмайн, ваҳки, ўлумдин баттар аҳволим бор,
Оҳким, саъб ўтадур ҳолатим асру сенсиз.
Ҳар тарафким, гузар этсам алашим¹⁵⁵ дафъи учун,
Ғаму меҳнат келадур олима ўтру¹⁵⁶ сенсиз.
Тутуб илгимни чекиб васл сори раҳбар бўл,
Ким ҳалок этти мени меҳнату қайғу сенсиз.
Ғунча пайкандур, гули тоза туган кўнглумда,
Боғу гулшанни ҳавас қилса бўлурму сенсиз.
Менки васл фароғат¹⁵⁷ била хў қилмишмен,
Ғаму меҳнатқа нечук айлагамен хў сенсиз.
Ғами ҳижронинг аро асру ямон ҳолим бор,
Кошки келсангу кўрсангки не¹⁵⁸ аҳволим бор.

Эй фалак, айтким, ул ёри вафодор қани,
Ҳар ниҳон¹⁵⁹ сиррим учун маҳрами асрор қани?
Эй кўз, эмди не қилурсен, найлабон бийнолиқ,
Сенга бийнолиқ учун давлати дийдор қани?
Эй кўнгулким, бўлубон реш мени куйдурдунг,
Эмди озоринг¹⁶⁰ учун марҳами озор қани?
Гулидин айру тушуб бир йўли бебарг ўлган,
Ушбу гулшанда менингдек¹⁶¹ яна бир хор қани?
Боғ сайрини нетай, гулни тамошо не қилай,
Сенсизин эмди ҳавойи гулу гулзор қани?
Булбули зордек ар нола қилурмен, не ажаб,
Гулшани васл қани, ул гули рухсор қани?
Ваҳки, ул умр вафо қилмади андоқки¹⁶² ҳаёт,
Улки дер эрдим ани ёри вафодор, қани?
Бевафодур чу жаҳон, жону жаҳон таркин тут,
Ғайр нақшини кўнгул сафҳасидин дову унут.

Ғарчи даврон кишига меҳру вафо айламади,
Мени мотамзадаға ғайри жафо айламади.
Қилма андин тамаъ меҳру вафо кўз тутма,
Ким жафосига анинг меҳри киро айламади.
Қайси давлат қуёшин чекти шараф авжи сари
Ким, ғуруби яна оламни қаро айламади.
Қайси бир турраға жон риштасин этти пайванд .
Ким, яна тийғи жафо бирла жудо айламади.
Қайси бир сарв мақом этти кўнгул равзасида
Ким, фироқи яна қаддимни дуто айламади.
Қайси гул қилди бу гулшан ичида жилвайи ҳусн

Ким, ҳаводис елидин ани фано айламади.
 Соқийи давр агар заҳри ҳалоҳилни тутар,
 Эй хуш, улким ичибон андин ибо айламади.
 Комрон чунки тутар жоми ажални соқий,
 Ҳам ўзунг ич бу фано жомини¹⁶³ бўлғил боқий.
 Навбахор ўлса баҳоримни менинг ёд айланг,
 Сарвқад лолаузоримни менинг ёд айланг.
 Лоланинг жисмида қонлиғ кафанин кўрганда,
 Кафану жисми фигуримни менинг ёд айланг.
 Жилвагар бўлса гулу нолайи зор этса ҳазор,
 Шавқтин нолайи зоримни менинг ёд айланг.
 Дўстлар боғ ила гулшанға гузор¹⁶⁴ айласангиз,
 Ёр кўйида гузоримни менинг ёд айланг.
 Дамбадам васл тилаб қолмаса тоқат сизга,
 Қолмаган сабру қароримни менинг ёд айланг.
 Бор чун ёр висолида то борсиз зинҳор,
 Суҳбати васлида ёримни менинг ёд айланг.
 Озу кўп бўлса ғанимат билингиз васл кунин,
 Ёрсиз бу шаби торимни менинг ёд айланг¹⁶⁵.

Дуоким, доли ўлди туррайи ҳур,
 Баёзи долининг мушки ичра кофур.
 Эрур айни биайниҳ чашмайи ҳур,
 Адолат равзаси андин мунаввар.
 Алиф бордур мисоли нахли тубо,
 Демаким чекти қадин анда ҳавро,

Подшоҳ остониға еткуруб ва рафиъшон бўсаға туф-
 роғин ўпуб, макшуфи замири оламорой улким, ҳазрати
 Хожа адома-л-лоҳу таъоло залола иршодиҳ аъло муфо-
 риқи-т-толибин хидматларида йиборған иноятно [ма] да-
 ким, сўруб зарракирдор бошимни кўка еткуруб эрдин-
 гиз, кўз мардумағиға суртуб, бошим торақиға қўюб:

Чу фатҳ эттим иноятномангизни,¹⁶⁶
 Кўруб анда руқуми хомангизни,

Ҳар хаттини сувратидин [ҳаззе] рўй бериб, ҳар ҳар-
 фининг аксидин фараҳе кўнгул миръотига партав солди.
 Ул иноятномаи гаромийдин ва саломномаи номийдин

Агарчи лутфунг ўлди бизга маълум
 Ва лекин бўлмади мазмуни мафҳум.

Нечунким анда бу алфоз марқум эрдиким, неча таҳриру тақрир қилсам кўнглумдагидин заррае етиб, шаммае олмайдурмен. Муни ҳам биладурменким, сиз билмайсиз, бәсе таваққуъ улким, иноят мазмунин мастур билиб, маҳзун кўнгулни масрур қилиб, ҳазор иноятнома била соғинғайсизким, ҳусни иноят зоҳир бўлуб, боиси ғояти инбисот бўлғай.

Таммат дивону ҳазрати-л-аъло ҳафиза-л-лоҳу таъолоъани-л-офати ва -л-балойоъалоъабди -з-заъиф Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шихоб-ийу -л-Ҳиравий аъло тариқи -л-истиъжол.

ИЗОҲЛАР¹

1. Қўлёзмадаги туркий шеърларнинг тартиб рақамлари қавс ичида берилди. Форс-тожик тилидаги шеърлар бу нашрга киритилмади. Шу сабабли рақамлардаги узилишлар ўрнида қўлёзмада форс-тожик тилидаги шеърлар бор экан деб англанисин.
2. Қ нусхада «ғ» нинг нуқтаси тушиб қолган.
3. Қ нусхада «инг» сўзнинг устига ёзиб қўйилган.
4. Қ нусханинг ҳошиясида «киби» сўзи тузатилиб ёзилган.
5. Қ нусханинг ҳошиясида «эшигинда» «эшигиға» деб тузатилган.
6. Қ нусхада «олмос» ёзилган, сўнгра «эмас» деб тузатилган.
7. Қ нусхада «вужудимға».
8. Х нусхада «солиб», Қ нусхада аввал «солиб» деб ёзилган, сўнгра «олиб» деб тузатилган.
9. Х нусхада «бўлин».
10. Қ нусхада аввал «аялиб» ёзилган сўнгра, «аталиб» деб тузатилган.
11. Қ нусхада «кирпиғи» сўзи тузатиб ёзилган.
12. Қ нусхада «ёниға».
13. Қ нусхада бу сўз ҳошияда тузатиб ёзилган.
14. Қ нусхада бу сўз ҳошияда тузатиб ёзилган.
15. Қ нусхада сўзлар ўрни алмашган, ҳошияда тузатилиб ёзилган.
16. Қ нусхада «лайтани» сўзи бошида ортиқча алиф бор, ҳошияда тузатилган белги бор.
17. Қ нусханинг ҳошиясида бу сўз тузатилиб ёзилган.
18. Қ нусхада «ҳамхонае» деб ёзилган.
19. Қ нусханинг ҳошиясида шу сўз тузатиб ёзилган.
20. Қ нусхада «қоф»нинг нуқталари йўқ.
21. Х нусхада «зе» нуқтасиз «нг» нунсиз; Қ нусханинг ҳошиясида бу сўз тузатилиб ёзилган.
22. Қ нусханинг ҳошиясида тузатиб ёзилган.
23. Қ нусханинг ҳошиясида тузатиб ёзилган.

¹ Патна нусхаси. Худобахш № 470; Қ—Калькутта нусхаси. Осие жамияти фонди № 668, Р—Рампур нусхаси № 8.

24. Қ нусхада шу сўз тузатилган.
25. Р нусхада «ла» тушиб қолган.
26. Қ нусханинг ҳошиясида шу сўз тузатилган.
27. Қ нусханинг ҳошиясида «саҳоб қаҳф итидек» деб тузатилган.
28. Р нусхада вафот; Қ нусхада аввал «нажот» ёзилган, ҳошияда «сабот» деб тузатилган.
29. Қ нусхада йўқ.
- 30, 31. Шу сўз тузатиб ёзилган.
32. Р нусхада «сайрин», Х. Қ нусхаларда «сайридин».
33. Р нусхада «бор».
34. Қ нусхада «вов» ҳарфи йўқ.
35. Қ нусхада «илигидин».
36. Қ нусхада «қаср».
37. Қ нусхада «қолиға».
38. Х ва Қ нусхаларда «ўқин», Р нусхада «оёқин».
39. Х ва Қ нусхаларда «қомату».
40. Р ва Қ нусхаларда «оллоҳ-оллоҳ».
41. Қ нусхада «алиф» тушиб қолган.
42. Қ нусхада «ре» ҳарфи тушиб қолган.
43. Қ нусхада «росолсам».
44. Қ нусхада «қўзунгким».
45. Қ нусхада «камони».
46. «манг-магайсан».
47. Қ нусхада битта «дол» ҳарфи ортиқча.
48. Қ нусхада «вов» ҳарфи йўқ.
49. Қ нусхада битта «дол» ортиқча.
50. Қ нусхада «бор».
51. Қ нусхада «ре» ҳарфи устида нуқта бор.
52. Қ нусхада «қўйидин».
53. Р нусхада «қаддин».
54. Р нусхада алиф ҳарфи тушган.
55. Р нусхада «гу» тушиб қолган.
56. Х, Р ва Қ нусхаларда қўшилиб ёзилган.
57. Х ва Қ нусхаларда тушиб қолган.
58. Қ нусхада «раъно».
59. Р ва Қ нусхаларда «у» ҳарфи йўқ.
60. Х ва Қ нусхаларда «бор».
61. Р нусхада «қобу».
62. Р нусхада «намуда».
63. Х ва Қ нусхаларда «қаддига».
64. Қ нусхада «шукрулло».
65. Қ нусхада «ҳалок».
66. Р нусхада «нафс».
67. Қ ва Х нусхаларда «деган».
68. Қ ва Х нусхаларда «ре» ҳарфи йўқ.
69. Х нусхада «дилдоринг».

70. X нусхада «ре» ҳарфи тушиб қолган.
71. X нусхада «адо».
72. Навоидан тазмин.
73. Навоидан тазмин.
74. X ва K нусхаларда «таратиб»,
75. X ва K нусхаларда «бебок».
76. X ва K нусхаларда «дурдуғим».
77. K нусхада «ре» ҳарфи йўқ.
78. K нусхада «шин» ҳарфининг нуқталари йўқ.
80. K нусхада «ўттурур», X нусхада ўтдурур; K нусхада «ўтдурур».
81. K ва X нусхаларда «боқинг».
82. K ва X нусхаларда сўзнинг охирида ортиқча «нун» бор.
83. K ва X нусхаларда охирги «ё» йўқ.
84. K нусхада янглиш охирги байт қайтарилган.
85. K нусхада «ре» ҳарфи тушиб қолган.
86. K нусхада «те» нинг нуқталари йўқ.
88. K ва X нусхаларда «юкмаки».
89. Охирги икки байт мақтаъдан олдин бўлиши керак эди.
90. K нусхада «эритиб».
91. K ва X нусхаларда «тозик».
92. K ва X нусхаларда йўқ, P нусханинг ҳошиясида ёзилган.
9. K ва X нусхаларда «қоф» ўрнида «лом».
94. P нусхала: эшмасун.
95. P нусхада: зараре.
96. K ва X нусхаларда «мў» ўрнида «дур» ёзилган.
97. K ва X нусхаларда йўқ.
98. Шу ердан бошлаб P нусханинг [40—49] бетлари қўлимиздаги фотокопияда йўқ.
99. K нусхада «бокни».
100. K ва X нусхаларда ортиқча «ёй» ҳарфи бор.
101. K нусхада «мос».
102. K нусхада «осилди».
103. K нусхада «фироқ».
104. K ва X нусхаларда «син» нинг нуқталари йўқ.
105. «Аълам» бу ерда ўта машҳур маъносида.
106. X нусхада «бир».
107. Тарих 948- йил.
108. K ва X нусхада «ёдинг».
109. K ва X нусхаларда «белагил».
110. Бугуним тунимгача шундай ўтади.
111. K нусхада «ту».
112. K нусхада «ре» нинг нуқтаси йўқ.
113. Олтида — остида.
114. Қўлзмада бу «айлали» дан кейин келган, вазн талаби билан олдинга олдиқ.
115. K ва X нусхаларда «бошина».

116. «й» дан кейинги «и» ни вазн талаби билан қўшдик.
117. Х нусхада «ёб», Қ ва Р нусхаларда «то» ҳарфи нуқтасиз.
118. Қўлимиздаги Р нусханинг фотокопияси шу байтдан давом этади.
119. Қ ва Х нусхаларда бу мисра олдинги байтнинг иккинчи мисраси билан ўрин алмашган.
120. «Моҳий» сўзидаги «й» вазн талаби билан туширилди.
121. Қ ва Х нусхаларда «зе» дан кейин ортиқча «вов» ҳарфи бор.
122. Қ ва Х нусхаларда «гаҳи» ўрнида «вахн».
- 123, 124. Қ нусхада «шин» ҳарфи нуқтасиз.
125. Бу байт Қ ва Х нусхаларда йўқ.
126. Қ ва Х нусхаларда «мунча».
127. Қ ва Х нусхаларда «ҳо» ҳарфи тушиб қолган.
128. Қ ва Х нусхаларда «нун» ҳарфи тушиб қолган.
129. Қ ва Х нусхаларда ортиқча «ёй» ҳарфи бор.
130. Р нусхада шу байтдан бошлаб 42 ўзбекча, 11 та форсча байт йўқ.
131. Қ нусхада «дар» тушиб қолган.
132. Қ нусхада «ни» ўрнига «бе» ёзилган.
133. Қ нусхада «шоғири».
134. Қ нусхада «п» нинг нуқталари йўқ.
135. Қ нусхада нуқталар йўқ.
136. Қ нусхада нуқталар йўқ.
137. Қ нусхада «борисича».
138. Қ нусхада «бошлар».
139. Қ ва Х нусхаларда «зе» ҳарфининг нуқтаси йўқ.
140. Р нусхасида «тутушти».
- 141, 142. Қ ва Х нусхада «ўзганинг».
143. Р нусхада «зулфани».
144. Қ ва Х нусхаларда «кўзига».
145. Қ ва Х нусхаларда «зе» нинг нуқтаси йўқ.
146. Қ ва Х нусхаларда «ҳуснунгни».
147. Қ ва Х нусхаларда «юзунгни».
148. Р нусхада «вов» ҳарфи йўқ.
149. Р нусхада «ўлса», Қ нусхада «эрсам».
150. Қ нусхада «истади».
151. Р нусхада «фасодни».
152. Қ ва Х нусхаларда «ер» сўзи тушиб қолган.
153. Қ нусхада «қаронқу».
154. Қ ва Х нусхаларда «ҳолинг бор».
155. Р нусхада «алами».
156. Р нусхада «айру».
157. Қ ва Х нусхаларда «фароқат».
158. Қ нусхада «не» тушиб қолган.
159. Қ нусхада «пинҳон».
160. Қ нусхада «ре» тушиб қолган.

161. К нусхада «дек» тушиб қолган.
162. К ва Х нусхаларда «ки» тушиб қолган.
163. К ва Х нусхаларда «вов» тушиб қолган.
164. К нусхада «гулзор».
165. Р нусхада шу ерда тугайди.
166. К ва Х нусхаларда «иноят номангизни».

КУРСАТКИЧЛАР¹

КИШИ НОМЛАРИ

- Абулғозий — 12
Арасту — 92
Аҳмадуллоҳ — 13
Исо [Масиҳ] — 23, 24, 27
Жам — 10
Жомий — 92
Қамол — 18
Лайло — 1, 3, 20, 70, 86.
Мажнун — 1, 20, 34, 70, 86.
Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шайхобийу -л- Ҳирравий-колофон, котиб.
Мусо — 23
Навий — 29
Низомий — 92
Осаф — 80
Сикандар — 12, 92
Сулаймон — 80
Темуртош — 92
Ҳалил — 23
Хизр — 92
Хожа — сўз охирида
Хусрав [Хусрав Деҳлавий] — 24, 92
Фарҳод — 44, 94.
Ширин — 1, 3
Ҳайдар [Хоразмий] — 92
Ҳассон — 80
Ҳумоюн — 12

ГЕОГРАФИК НОМЛАР

- Бадахшон — 80
Қаъба — 2, 92
Қобул — 92
Қўхи Албурз — 35

¹ Шейр рақамларининг тартиби асосида тузилди.

Рум — 92
 Хурөсон — 92
 Хўжанд — 18
 Фаранг — 92,
 Қандаҳор — 92
 «Урта боғ» [Афғонистон] — 65.
 Ҳинд — [Ҳиндистон] — 92.

ЭТНИК НОМЛАР

Араб — 32
 Тожиқ — 32
 Турк — 94

ЖАНРЛАР ҚҮРСАТҚИЧИ

Ғазаллар — 1—30; 35—41.
 Маснавийлар — 92, 93
 Таркиббанд — 94
 Фардлар — 42—62
 Қитъалар — 63, 64, 65.
 Рубойлар — 33, 34, 66—91.
 Тўртлик [рамали махбуни абтар вазнида] — 31

ВАЗНЛАР ҚҮРСАТҚИЧИ

1. Ҳазажи мусаммани солим.

- [мафъийлун мафъийлун маъфъийлун мафъийлун] . . . 49
2. Ҳазажи мусамман, бир рукм ахраб, бир рукн солим 29, 32, 47.
 [Мафъувлу мафъийлун мафъувлу мафъийлун]
3. Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуф . . . 7, 15, 41.
 [мафъувлу мафъийлу мафъийлу фаъувлун]
4. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф . . . 1, 11, 12, 38.
 [мафъийлун мафъийлун фаъувлун]
5. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф . . . 30, »1.
 5. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф . . . 30, 61.
 [Мафъувлу мафъийлун фаъувлун]
6. Ражази мусаммани матвийи марфуъи музолл . . . 46.
 [Муфтаъилун фойилун муфтаъилун фойилун]
7. Ражази мусаддаси матвий, аруз ва зарб марфуъ . . . 92, 93.
8. Рамали мусаммани маҳзуф [мақсур] . . . 2, 4, 6, 10, 13, 16,
 21, 23 24. [Фойилотун фойилотун фойилотун фойилун/фойилон]
 . . . 26, 36, 37, 42, 43, 48, 51, 55,—59.
9. Рамали мусаммани махбуни абтар [абтари мусаббағ; махбуни
 маҳзуф; махбуни мақсур]
 Фойилотун фойилотун фойилотун фаълун [фаълон; фаълун,
 фаълон] . . . 8, 20, 35, 62, 94.
10. Рамали мусаддаси маҳзуф
 [фойилотун фойилотун, фойилун] . . . 39, 50, 53, 54.
11. Рамали мусаддаси махбуни абтар

- [фоъилотун фаъилатун фаълун] 31.
12. Мутақориб мусаммани солим
[фаъувлун фаъувлун фаъувлун фаъувлун] 14, 40
13. Мутақориб мусаммани маҳзуф.
[фаъувлун фаъувлун фаъувлун фаъл] 45, 52.
14. Музориъи мусамман, бир рукн аҳраб, бир руки солим.
[мафъувлу фоъилотун мафъувлу фоъилотун] 44.
15. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур [маҳбуни маҳзуф; маҳбуни абтар]
мафоъилун фоъилотун мафоъулун фаълон [фаълун; фаълун].
9, 18, 19, 25, 27.
16. Хафифи маҳбуни абтари мусаббағ [маҳбуни абтар; маҳбуни мақсур; маҳбуни маҳзуф]
[фоъилотун мафоъилун фаълон] фаълун; фаълон; фаълун]
. 22, 60, 63, 64, 65.
17. Рубойи вазиларининг аҳраб шажараси 33, 34, 66—91.

ЛУҒАТ

- Абаду д-дахр — замонда, дунёда абадий; замон охирига қадар.
Абр — булут; Абри баҳор — баҳор булут.
Ажзу ниёз — ожизликни тан олиб ёлбориш.
Айёми шабоб — йигитлик даври.
Алам — байроғ, туғ.
Алойиқ [бирл. алоқа] — илинжлар; дунёнинг кишини банд қилиб қўядиган нарсалари.
Алявм камо ямуруу ҳатто лайлий — Бугуним тунимга қадар қандай ўтган бўлса.
Анжум — [бирл. нажм] — юлдузлар.
Арбадасоз — шовқин-сурон қилувчи.
Ахгар — лахча чўғ.
Ашк — кўз ёши.
Аъмол [бирл. амал] — ишлар; амаллар.
Аялмоқ — аталмоқ; унвон олмоқ.
Бадр — тўлиной.
Барин — юқори, юксак.
Барканда — суғирилган, қўпорилган.
Барқ — **яши**.
Басар — кўрув, кўз.
Баҳр — денгиз.
Бисёр — кўп.
Бистар — ўрин, тўшак,
Бедаранг — кечикмай, зудлик билан.
Бесару сомон — бечора ҳол, қашшоқ.
Бодия — саҳро, чўл.
Бол — қанот.
Боло — қомат.
Гавҳарафшон ва гавҳарфишон — гавҳар сочувчи.
Гаронмоя — қимматбаҳо
Гирнхқушо — тугун ечувчи, мушкулларни ҳал қилувчи.
Гуризон — қочувчи; ҳазар қилувчи.
Даррок — сезгир, туйғун.

- Дархўр — лойиқ, сазовор.
 Дарҳам — чигал, чалкаш, аралаш.
 Дилсўз — юракка қадалувчи, кўнгилга ботувчи.
 Деклай — енги калта устки кийим.
 Дол¹ — далолат қилувчи, кўрсатувчи.
Дол² — «д» товушини биядирдиғағ арабча ҳарфининг номи. Букчай-
 ган қомат ва гажак долга ўхшатилади.
 Дур — узоқ.
 Душвор — қийин, оғир.
 Имдод — ёрдам бериш, мадад қилиш.
 Итмак — йўқолмоқ.
 Итоб — қаҳр, ғазаб, аччиқланиш.
 Жавф — ич, бўшлиқ.
 Жаҳонафрўз — жаҳонни ёритувчи.
 Жола — дўл; шабнам.
 Жоҳ — мансаб, мартаба.
 Зишткирдор — бадфъел, ёмон ишлик.
 Зуннор — исломдан ўзга баъзи динларга мансуб руҳонийларнинг
 махсус белбоғи.
 Е лайтани кунту туроб — Қани энди тупроққа айлансам!
 Пиратмоқ — узоқлаштирмоқ.
 Каж — эгри, қинғир.
 Ка-н-нақши фи-л-ҳажар — Тошдаги нақшдай.
 Канора — чет, қирғоқ.
 Капанак — жуи чакмон.
 Қаҳф ити — садоқат тимсоли ҳисобланган Қитмир номли ит.
 Киро — кира.
 Ком — танглай; мақсад.
 Қоҳ — сомон.
 Лав лок — сен бўлмасанг... [«Сен бўлмасанг оламни яратмас эдим»
 деган ҳадиси қудсийга ишора].
 Лояъкул — англамайдиган онгсиз.
 Мағас — пашша.
 Мазоҳир [бирл. мазҳар] — борлиқни кўриниш формалари.
 Маймун — ўнганган, бахтиёр.
 Малак — фаришта.
 Малул — малол келган.
 Мамар[р] — ўтар жой ва пайт.
 Ман талаб — «важада ман талаба» [қидирган топади] деган мақол-
 га ишора.
 Мардумак — кўз қорачиғи.
 Миръот — кўзгу.
 Мо зог — «кўзини узмади ва бўйин товламади» деган оятга ишора.
 Моломол — лиммо-лим.
 Молу манол — молу мулк.

- Моҳий** — балиқ. «Моҳийдан моҳ [ёки ой] гача» деганда «ердан кўккача» деган маъно чиқади.
- Муассир** — таъсир қилувчи.
- Мудово** — даволаш.
- Мужда** — хушхабар.
- Мулавван** — турланган, рангдор.
- Мумир [р]** — ўтувчи.
- Мунфаил** — хижолатда қолган, уялган.
- Муртафиъ** — баланд, юсак.
- Мусаххар** — бўйсундирилган, енгиб олинган.
- Мусоҳиб** — ҳамсухбат, дўст.
- Навҳа** — мунгли йиғи, нола.
- Назар во қилмоқ** — кўзни очмоқ.
- Наззора** — қараш.
- Найистон** — қамишзор.
- Намудор** — кўриниш, кўринган, намуна.
- Нахл** — хурмо дарахти.
- Нек** — яхши.
- Новак** — ўқ.
- Нурун ало нур** — нур устида нур [борлиқни ҳаракатга келтириб турувчи энергия].
- Озар** — ўт, олов.
- Ойилмоқ** — ўзига келмоқ [мастлик ёки беҳушлиқдан].
- Ойин** — расм, одат.
- Оламсўз** — оламни ёндирувчи.
- Олт** — ост.
- Оташнок** — ўтли, қизғин.
- Парканд** — бўлак, парча.
- Пири муғон** — муғ [оташпараст руҳоний]ларнинг пири; кўчма маънода майхоначи, маънавий устоз.
- Пироҳан** — кўйлак.
- Помол** — оёғ остида қолган.
- Раста** — тизим.
- Равон** — юрувчи, ҳаракат қилувчи; жон-руҳ.
- Робийъухум калбуҳум** — тўртинчилари итлари
- Румузи ишқ** — ишқ сирлари.
- Собуқ** — энгил
- Саъй** — тиришиш, ҳаракат қилиш.
- Сакарот** — мастлик, хушсизлик.
- Саркаш** — ўжар, итотсиз.
- Сармаст** — хушкайф, маст.
- Сарсар** — кучли совуқ шамол.
- Сарфитна** — фитна боши.
- Сиришк** — кўз ёши.
- Тажалли** — жилоланиш, зоҳир бўлиш; эманация.

Талх — аччиқ.
Талхком — пешонаси шўр, мақсади амалга ошмаган.
Тарвиж — ривожлантириш.
Тарий — тароватли.
Тарсо — христиан.
Таъвиз — тумор.
Тафриқ асолмоқ — тарқатмоқ, орани бузмоқ.
Тахайюл — хаёлга келтириш.
Тирф — зотдор от.
Туган — доғ.
Тулуъ — туғиш, чиқиш [осмон ёритқичлариники].
Турра — зулф, гажак.
Туш бўлмоқ — рўбарў бўлмоқ.
Фарруҳ — бахтиёр.
Фархундафар — Бахт-саодатли.
Фирор — қочиш.
Фуруғ — ёруғлик, нур.
Хазро — яшил, кўк.
Хайл — тўда, гуруҳ.
Хариф — куз.
Хоб — уйқу, туш.
Ҳовар — шарқ.
Хунхор — қонхўр.
Хурдадон — нозикфаҳм.
Хў қилмоқ — одатланмоқ.
Чақмоқ — фош қилмоқ
Чолок — ҳаракатчан.
Чуст — чаққон.
Шикоф — ёриқ, тешик.
Шумор — ҳисоб, саноқ.
Эзид — худо.
Юбсиру — «кўради» [кўзни равшан қилувчи қувватга ишора].
Яғмо қилмоқ — таламоқ.
Қавмоқ — қувмоқ
Қадр — қадр кечасига ишора.
Уқун — ўқдек.
Қарин — яқин; қалин дўст.
Қатрафишон — томчи сочувчи; кўчма маънода ёш тўкувчи.
Қийлу қол — гап-сўз,
Қоба қавсайн — икки ёй оралиғи [яқинликка ишора].
Қутуз — қутирган.
Ғаммоз — ғамза қилувчи: чақимчи.
Ғариқ — чўккан, ғарқ бўлган.
Ғорат — талон қилиш, битириш.
Ҳазор — булбул.

Ҳалоҳил — ўлдирувчи, таъсири ўткир.

Ҳамро — қизил.

Ҳимам — «ҳиммат»нинг кўплиги.

Ҳувайдо — аён, равшан.